

НАВОИЙ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА  
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

бўйича судлов ҳайъати, суд биносида, очиқ суд мажлисида,

тарафлардан Навоий вилоят прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими, судланувчи иштирокида, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 19 январдаги ҳукмига томонидан келтирилган шикоят асосида жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 19 январдаги ҳукмига кўра:

1986 йил 28 ноябрь куни Навоий вилояти, Навбаҳор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Конимех туман судининг 2019 йил 17 декабрда ажрими билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан бўлган жиноят иши амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган;

2) жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2005 йил 22 апрелдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўлланиб, 2 йил озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Зарафшон шаҳар судининг 2005 йил 8 сентябрдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмасдан қолган 1 йил 5 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси худди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

3) жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2005 йил 19 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 5 йил 1 ой



муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2008 йил 25 ноябрдаги ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмасдан қолган 1 йил 10 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси худди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

4) жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг 2010 йил 26 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 1-қисми, 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 61,60-моддаларига асосан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2012 йил 24 декабрда ажрими билан ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмасдан қолган 3 йил 1 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси худди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

5) жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2013 йил 6 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,169-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59,61,60-моддалари тартибида 6 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан “ўта хавфли рецидивист” деб топилган, 2019 йил 8 ноябрда жазони тўлиқ ўтаб чиққан, Навоий шаҳри, “Навоий” кўчаси, 43/149-уйда руйхатда туриб, Навоий вилояти, Кармана тумани, “Восход” БУШда яшаган, жиноят иши бўйича 2022 йил 25 августда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида ушланган, жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг 2022 йил 26 августдаги ажрими билан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган.

фойдасига 2. фойдасига 7.200.000 сўм зарар ундириш белгиланган.

ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида,



2021 йил 18 декабрь куни соат 01:00ларда, Кармана тумани, “Наврўз” МФЙ ички автомобиль йўлида қаровсиз қолдириб [REDACTED] тегишли бўлган “Матиз” русумли, 85 245 TTD давлат рақамли автомашина салонига ғайриқонуний усулда, яъни ён деразасини синдириб кириб, бозор нархи 1,5 млн. сўмлик аудио магнитофон ва 670 минг сўм миқдордаги нақд пулларни яширин равишда талон-торож қилиб, У.Турсуновга жами 2 млн. 370 минг сўм миқдорда моддий зарар етказиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган.

Бундан ташқари, у ўта хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 18 июнь куни соат 01:00ларда [REDACTED] Кармана тумани, “Х.Хисрав” МФЙдаги қаровсиз қолдириб кетилган қурилиш ишлари тугалланмаган уйига ғайриқонуний усулда девор ошиб кириб, умумий қиймати 7.2 млн. сўм пул бўлган 2 (икки) дона “Vaillant” маркали иситиш қозонларини (котёл) яширин равишда талон-торож қилиб, Д.Пулатовга жами 7.2 млн. сўм миқдорда моддий зарар етказиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган.

Бундан ташқари, у ўта хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 19 август куни соат 14 ларда, Кармана тумани, “Хончарбоғ” МФЙ ҳудудида жойлашган дала-майдонида қаровсиз қолдирилган, А.Икромовга тегишли бозор нархи 6 млн. сўм бўлган 1 бош йирик шохли қорамолни яширин равишда талон-торож қилиб, А.Икромовга жами 6 млн. сўм миқдорда моддий зарар етказиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган.

Бундан ташқари, у ўта хавфли рецидивист бўла туриб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2022 йил 21 август куни соат 11 ларда, Кармана тумани, “Айрончи” МФЙда жойлашган дала майдонида қаровсиз қолдирилган, Н.Равшановга тегишли бўлган бозор нархи 18 млн. сўмни ташкил қиладиган 3 бош йирик шохли қорамолларни қаровсиз қолдирилганлигидан фойдаланиб, яширин равишда талон-торож қилиб, Н.Равшановга жами 18 млн. сўм миқдорда моддий зарар етказиб, ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган.

[REDACTED] томонлама кўриб чиқилгани, У.Турсуновга тегишли автомашинадан аудиомагнитофон ва пулларни, шунингдек Кармана тумани, “Х.Хисрав” кўчасида жойлашган Д.Пулатовга тегишли хонадондаги “Vaillant” маркали 2 дона иситиш қозонларини яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини содир этмагани, терговга қадар текшириш ҳаракатлари давомида тезкор ходимлар уни алдаб шу жиноятларни ҳам унга юклагани, мазкур жиноятларни содир этганликдаги айби судда етарли далиллар билан исботланмаган бўлса-да, суд тахмин ва фаразларга таянган ҳолда айблов ҳукми чиқаргани ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини ўзгартириб, адолатли қарор қабул қилишни сўраган.



Судлов ҳайъати, [REDACTED] маърузасини, вилоят [REDACTED] суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақидаги, [REDACTED] ва унинг адвокати [REDACTED] шикоятни қаноатлантириш ва суд ҳукмини ўзгартириб, адолатли ҳукм чиқариш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

[REDACTED] тегишли бозор нархи 6 млн. сўм бўлган 1 бош йирик шохли қорамолни ва Н.Равшановга тегишли бўлган бозор нархи 18 млн. сўмни ташкил қиладиган 3 бош йирик шохли қорамолларни яширин равишда талон-торож қилгани билан боғлиқ қисми бўйича) ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “б” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби қуйида келтирилган объектив далиллар мажмуи билан исботланган.

[REDACTED] айбига иқрорлик билдириб, 2022 йил 19 август куни Кармана тумани, “Хончарбоғ” маҳалласида жойлашган дала ер майдонида қаровсиз ҳолатда турган 1 бош йирик шохли қорамолни кўргани, дала-майдонида арқон ва қозиқ ёрдамида ерга боғланган турган қизғиш, малла рангли хўкизчани атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, турган жойидан ечиб олгани ва шу қорамолни сотиш мақсадида Навоий шаҳри, Марказий деҳқон бозорига келиб, “Отабек” исмли қассобга молни 4 млн. сўм олди-сотди қилишга келишгани, сўнг “Отабек”ни Кармана тумани, “Талқоқ” маҳалласидаги уйига олиб бориб “Отабек”дан 4 млн. сўм пулларни санаб олгани ва шу қорамолни унга бергани, “Отабек”ка ушбу қорамолни ўзига тегишли экани ҳақида айтгани, 2022 йил 21 август куни ишлаш учун Навоий шаҳри томон йўловчи автомашинада чиққанлиги, Кармана туманидаги “Восход” ДХЖ томондан ҳаракатланиб, “Гресс” ЙПХ масканидан ўтганидан сўнг, йўл четида қаровсиз қолдирилган 3 бош қорамолларни турганлигини кўргани, у йўл четидаги ер майдонига арқон ва қозиқ ёрдамида боғлаб кетилган 3 бош йирик шохли қорамолларни қозиғи билан қўпориб олиб уйига олиб бориб боғлаб қўйгани, сўнг Навоий шаҳридаги Марказий деҳқон бозорига бориб, “Анвар” исмли қассобни топиб, 2 бош қорамолларни жами 8.7 млн. сўм пулга сотишга келишгани, у “Анвар” қассобдан олган 8.7 млн. сўм пулдан 4.3 млн. сўмини “Фарид” исмли танишига қарзи эвазига бергани, қолган 4.4 млн. сўм пулни ўзи олиб кетгани, шу жиноятларни содир этганлигини тўлиқ тасдиқлаши ва қилмишидан пушаймонлиги, бироқ 2021 йил 18 декабрь куни соат 01:00ларда Кармана тумани, “Навруз” МФЙ ички автомовил йўлида қаровсиз қолдириб кетилган У.Турсуновга тегишли бўлган “Матиз” русумли 85 245 ТТД давлат рақамли автомашинада содир этилган ўғирлик ва 2022 йил 18 июнь куни 01:00ларда Д.Пўлатовнинг Кармана тумани, “Х.Хисрав” МФЙдаги қаровсиз қолдириб кетилган қурилиши тугалланмаган уйидаги 2 дона 7,2 млн



сўмлик қозонларни (котёл) ўғирламагани, бу жиноятларни терговга қадар текшириш ҳаракатлари давомида жиноят қидирув тезкор ходимлари уни алдаб шу жиноятларни содир этганлигига иқрорлик кўрсатувларини олишга эришгани, тезкор қидирув ходимлари бу жиноятларни ҳам бўйнига олишни, бари-бир бу 2 та ҳолатда қорамолларни ўғирлагани учун суд томонидан жазо тайинланиши, агар бу 2 та очилмай келаётган жиноятларни ҳам бўйнига олса вақтинча сақлаш ҳибсхонасида бўлган даврида унга дори-дармон ва озик-овқатдан ёрдам беришлари ҳақида ваъда берганлиги учун шу жиноятларни ҳам ўзи содир этганлиги ҳақида кўрсатма бергани ҳақида кўрсатув берди.

жиноятларни содир этганликдаги айби, жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган ва биринчи босқич суди томонидан етарлича ҳуқуқий баҳо берилган воқеа жойини кўздан кечириш баённомалари, нарсани олиш ва кўздан кечириш баённомалари, қорамолларни олиб қўйиш ва эгасига тилхат асосида қайтариб бериш ҳақидаги баённомалар, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан исботланган.

Қайд этилган далиллар, биринчи босқич

1 бош йирик шохли қорамолини ва Н.Равшановга тегишли бўлган бозор нархи 18 млн. сўмни ташкил қиладиган 3 бош йирик шохли қорамолларини яширин равишда талон-торож қилганликдаги айб эпизодларини ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “б” банди билан квалификация қилиш ҳақидаги ҳулосасини асосли эканлигини тасдиқлайди.

Бироқ апелляция инстанцияси суди, биринчи босқич судининг Кармана тумани, “Х.Хисрав” МФЙдаги қаровсиз қолдириб кетилган қурилиш ишлари тугалланмаган уйдаги Д.Пўлатовга тегишли умумий қиймати 7.2 млн. сўмлик 2 дона “Vaillant” маркали иситиш қозонларини ва У.Турсуновга тегишли бўлган “Матиз” русумли, 85 245 TTD давлат рақамли автомашина салонидан бозор нархи 1,5 млн. сўмлик аудио магнитофони ва 670 минг сўм миқдордаги нақд пулларни яширин равишда талон-торож қилганликда айблаш хусусидаги фикри билан қуйидаги асосларга кўра келишмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши, 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги;



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддаси 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги;

ЖПКнинг 467-моддасига кўра, айблов ҳукмининг тавсиф қисмида суд исбот этилган деб эътироф этган жиноий қилмишнинг тавсифи, содир этилган жойи, вақти, усули, айбнинг шакли, жиноятнинг сабаблари, мақсадлари ва оқибатлари кўрсатилиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 112-моддасида, гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлиши, бу иқрор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олиниши мумкинлиги;

гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, судланувчининг айбдорлиги (айбсизлиги) тўғрисидаги суднинг хулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нафақат кўрсатилиши, балки, суд томонидан нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган бўлиши лозимлиги, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини ёритиши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги, агар иш бўйича жиноят содир қилганликда бир нечта судланувчилар айбланаётган ёки судланувчи бир нечта жиноятларни содир қилганликда айбланаётган бўлса, суд ҳукмда ҳар бир судланувчига нисбатан ҳамда ҳар бир айблов бўйича далиллар келтириши ва таҳлил қилиб чиқиши ҳамда хулоса қилиши зарурлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, биринчи босқич суди юқорида қайд этилган Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришларига риоя қилмаган.



Жиноят иши ҳужжатларига қараганда, 2022 йил 30 сентябрь куни [REDACTED] қўшимча сўроқ қилиш [REDACTED] Кармана тумани, “Х.Хисрав” МФЙдаги қаровсиз қолдириб кетилган қурилиш ишлари тугалланмаган уйдаги умумий қиймати 7.2 млн. сўм бўлган 2 дона “Vaillant” маркали иситиш қозонларини ва У.Турсуновга тегишли бўлган “Матиз” русумли, 85 245 ТТД давлат рақамли автомашина салонидан бозор қиймати 1,5 млн. сўмлик аудио магнитофон ва 670 минг сўм миқдоридаги нақд пулларни яширин равишда талон-торож қилганлиги ҳақида кўрсатув берган. (1-ж. 235-237 и.в)

Жиноят иши ҳужжатларида, Ж.Хамраевнинг биргина ушбу қайд этилган [REDACTED]

[REDACTED] қурилиш ишлари тугалланмаган уйдаги умумий қиймати 7.2 млн. сўмлик 2 дона “Vaillant” маркали иситиш қозонларини ва У.Турсуновга тегишли бўлган “Матиз” русумли, 85 245 ТТД давлат рақамли автомашина салонидан бозор қиймати 1,5 млн. сўмлик аудио магнитофон ва 670 минг сўм миқдоридаги нақд пулларни яширин равишда талон-торож қилганлиги ҳақидаги кўрсатуvidан ташқари, унинг айбини тасдиқловчи бошқа бирор-бир далил мавжуд эмас.

Бундай далиллар апелляция инстанцияси суди мажлисида ҳам аниқланмади.

Қолаверса, Кармана туман ИИБ Эксперт-криминалистика гуруҳининг 2021 йил 20 декабрдаги Дактилоскопик экспертизасининг 40-сонли хулосасига кўра, У.Турсуновга тегишли бўлган “Матиз” русумли, 85 245 ТТД давлат рақамли автомашинани кўздан кечириш давомида олинган 5 дона бармоқ излари судланувчи Ж.Хамроевга эмас балки, иш доирасида муҳокама қилинмаган бошқа шахсларнинг бармоқ излари эканлиги қайд этилган.

Бироқ биринчи инстанция суди ишни кўришда қайд этилган ЖПК, Қонун ҳамда Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига амал қилмаган, иш ҳолатларини синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганиб, дастлабки тергов органи томонидан тўпланган далилларни ишга алоқадорлиги, ишончлилиги ва мақбуллиги нуқтаи назаридан баҳоламасдан Ж.Хамраев 2 дона “Vaillant” маркали қиймати 7.2 млн. сўмлик иситиш қозонларини ва У.Турсуновга тегишли бўлган “Матиз” русумли, 85 245 ТТД давлат рақамли автомашина салонидан бозор қиймати 1,5 млн. сўмлик аудио магнитофонни ва 670 минг сўм миқдоридаги нақд пулларни яширин равишда талон-торож қилиш жиноятини содир этилишида Ж.Хамраевни айбдорлигини тасдиқловчи инкор этиб бўлмайдиган объектив далилларни аниқламасдан туриб айблов ҳукми чиқариш ҳақида барвақт хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди, ЖПКнинг 23-моддасида назарда тутилган, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги ҳақидаги талабга риоя этган [REDACTED] тегишли бўлган 7.2 млн.



сўмлик 2 донa “Vaillant” маркали иситиш қозонларини ва У.Турсуновга тегишли бўлган “Матиз” русумли 85 245 ТТД давлат рақамли автомашина салонидан бозор нархи 1,5 млн. сўмлик аудио магнитофонни ва 670 минг сўм миқдоридаги нақд пулларни яширин равишда талон-торож қилганлигини тўғридан-тўғри исботловчи далиллар мавжуд эмаслигини, шунингдек бундай далиллар апелляция инстанцияси судида ҳам аниқланмаганлигини инобатга олиб, шу айб эпизодлари билан Ж.Хамраевни ЖПКнинг 83-моддаси 3-бандига кўра, оқлашни лозим деб ҳисоблайди.

ЖПКнинг 497<sup>26</sup>-моддасида, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгартиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Юқоридагиларга асосланиб судлов ҳайъати, биринчи босқич суди ҳукмини ўзгартириб, апелляция шикоятини қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497<sup>15</sup>-497<sup>18</sup> 497<sup>26</sup>, 497<sup>31</sup>-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2023 йил 19 январдаги [REDACTED] (Shuratovich)га оид ҳукми ўзгартирилсин.

7.2 млн. сўмлик 2 донa “Vaillant” маркали иситиш қозонларини ва У.Турсуновга тегишли бўлган “Матиз” русумли, 85 245 ТТД давлат рақамли автомашина салонидан бозор нархи 1,5 млн. сўмлик аудио магнитофонни ва 670 минг сўм миқдоридаги нақд пулларни яширин равишда талон-торож қилинишида даҳли бўлмаганлиги сабабли, ЖПК 83-моддасининг 3-бандига асосан тугатилсин ва у айбсиз деб топилиб, оқлансин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция шикояти қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози томон, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510-моддасига кўра, Навоий вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки прокурор протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: (имзо) Б.Имомов

Ҳайъат судьялари: (имзо) Р.Худайбердиева

(имзо) А.Исоков

Ажрим аслига тўғри, судья Б.Имомов

